398-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ КАРОРИ

398 Мақсадли молиялаш чизмалари буйича республика бюджетининг режадаги харажатларини молиялаштириш учун Марказий банкнинг мақсадли қисқа муддатли кредитларидан фойдаланиш тартиби туррисидаги низом, шунингдек унга узгартириш ва қушимчаларни уз кучини йуқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 ноябрда руйхатдан утказилди, руйхат рақами 806-4

## (2010 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2001 й., 22-24 сон, 159-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қумитаси ва Давлат божхона қумитаси томонидан 1999 йил 24 августда 72, 144-В, 99-107 ва 02/8-63-сон билан тасдиқланган (руйхат рақами 806, 1999 йил 26 август) Мақсадли молиялаш чизмалари буйича республика бюджетининг режадаги харажатларини молиялаштириш учун Марказий банкнинг мақсадли қисқа муддатли кредитларидан фойдаланиш тартиби турисидаги низом;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қумитаси ва Давлат божхона қумитаси томонидан 1999 йил 7 сентябрда 72/1, 144-В-1, 99-112 ва 02/866-сон билан тасдиқланган (руйхат рақами 806-1, 1999 йил 14 сентябрь) Мақсадли молиялаш чизмалари буйича республика бюджетининг режадаги харажатларини молиялаштириш учун Марказий банкнинг мақсадли қисқа муддатли кредитларидан фойдаланиш тартиби тургисидаги вақтинчалик низомга 1-сон қушимча;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қумитаси ва Давлат божхона қумитаси томонидан 2000 йил 11 январда 7-сон, 1999 йил 20 декабрда 144-В-2-сон, 2000 йил 15 январда 2000-7-сон ва 2000 йил 19 январда 02/8-05-сон билан тасдиқланган (руйхат рақами 806-2, 2000 йил 20 январь) (Узбекистон Республикаси вазирликлари, дав-

лат қумиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 2-сон, 82-бет) Мақсадли молиялаш чизмалари буйича республика бюджетининг режадаги харажатларини молиялаштириш учун Марказий банкнинг мақсадли қисқа муддатли кредитларидан фойдаланиш тартиби турисидаги вақтинчалик низомга 2-сон қушимча;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қумитаси ва Давлат божхона қумитасининг 2001 йил 4 августдаги 86, 199-В-3, 2001-82 ва 0218-20-сон «Мақсадли молиялаш чизмалари буйича республика бюджетининг режадаги харажатларини молиялаштириш учун Марказий банкнинг мақсадли қисқа муддатли кредитларидан фойдаланиш тартиби турисидаги вақтинчалик низомга узгартириш ва қушимчалар киритиш турисида»ги қарори (руйхат рақами 806-3, 2001 йил 12 сентябрь) (Узбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 17-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

## Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2010 йил 29 октябрь, 93-сон

## Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2010 йил 29 октябрь, 33/1-сон

Давлат солиқ қумитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш., 2010 йил 29 октябрь, 2010-44-сон

Давлат божхона қумитаси раиси

С. НОСИРОВ

Тошкент ш., 2010 йил 29 октябрь, 01-02/8-23-сон